

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ**
**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДАГИ «НУРИЛЛАБОЙ» ТАРИХИЙ МАЖМУАСИНИ
РЕКОНСТРУКЦИЯ ВА РЕСТАВРАЦИЯ ҚИЛИШ ТҮҒРИСИДА**

Хива шаҳрининг тарихий-меъморий ва туризм салоҳиятини янада ривожлантириш, кенг жамоатчиликни халқимизнинг бой тарихий мероси, маданияти ва санъатининг ноёб намуналари билан таништириш, шунингдек, миллий маданият ва анъаналарни асрар-авайлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг 2017 йилда Хива шаҳридаги «Нуриллабой» тарихий мажмуасига кирадиган бинолар ва қурилмаларни (кейинги ўринларда обьектлар деб аталади) қайта таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳисобидан амалга оширилиши тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги обьектларни, келгусида уларни қайта таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш, шунингдек, маҳаллий шароитларга асосланган ресторон, қабуллар уйи, галерея, амфитеатр ва ҳунармандлар кўргазмаси билан бирга устахоналарини ташкил қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига истисно тариқасида, ижара тўловининг ноль ставкаси бўйича ижарага берсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига:

2017 йил 1 сентябргача қурилиш-монтаж ва қайта таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишларини ўтказиш билан бир вақтнинг ўзида лойиҳа-смета хужжатларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқишига;

объектларни қайта таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича харажатларни ижара муддатидаги солиқ ҳисбот даврида чегириладиган харажатлар ҳисобига киритишга;

истисно тариқасида, обьектларни келгусида учинчи шахсларга субижара шарти билан топширишга рухсат берилсин.

4. Қайта таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишларини бажариш доирасида:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки — буюртмачи;

«ARX-DIZAYN SAN’ATI» МЧЖ — бош лойиҳа ташкилоти;

«JOD-JOD» XK — бош пурдат ташкилоти этиб белгилансин.

5. Объектларни қайта таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишлари амалга оширилгандан сўнг келгусида ундан фойдаланиш ва таъминот харажатларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг ўз маблағлари, «Нуриллабой» мажмуасининг амалдаги фаолиятидан келиб тушадиган даромадлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги обьектни қайта таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш, шунингдек, бошқа ишларни бажариш ҳамда келгусида ундан фойдаланишда «Нуриллабой» мажмуаси обьектларининг илмий, бадиий ва тарихий-маданий аҳамиятини саклаб қолиш юзасидан назоратни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзметкомбинат» АЖ ва «Ўзқурилишматериаллари» АЖ буюртмачи ҳамда лойиҳалаш ташкилотининг асосланган ҳисоб-китобларига биноан обьектларни реконструкция ва реставрация қилиш ишларини бажариш учун тартибга солинадиган нархлар бўйича металл прокати ва цемент ажратилишини таъминласинлар.

8. Хоразм вилояти ҳокимлиги:

мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишида «Ўзмиллийбанк»ка, лойиҳа ва пудрат ташкилотлариға қўмаклашишни;

«Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзбекнефтегаз» МХК, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда обьектларни зарур муҳандислик коммуникациялари (газ, электр энергияси, сув ва канализация тармоқлари)га улашни;

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси билан биргаликда «Нуриллабой» ва «Иchan калъа» тарихий мажмуалари ўртасидаги автомобиль йўлларини капитал таъмирлашни белгиланган тартибда таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ
Тошкент ш.,